

Огабек СОБИРОВ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган артист:

4

## САНЪАТДА ИЛОҲИЙ ЖОЗИБА БОР



## УЙДАН КУЛИБ ЧИҚАНЛАР БАХТЛИ!

5

## МЕҲРИНГ ҲАМ, БОЛАНИНГ ҲАМ БЕГОНАСИ БЎЛМАС

6



## ИНТЕРНЕТГА ЎРГАНИБ ҚОЛДИНГИЗМИ?

8

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ  
сурат-лавҳаси.

## Бешикларга тўлсин бу олам!

### “Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаятган муҳтарам муштарийлар!

Унутманг, сеvimли газетангизга йил бўйи обуна бўлишингиз мумкин.

Индекс — 176



### ҲИКМАТ

Кўнгил хазинасининг қулфи — тил, у хазинанинг қалитини сўз бил.

Алишер Навоий

# ҲАЁТ СИНОВЛАРИН ЕНГГАН ОНАЛАР

Чиноз туманидаги Янги Чиноз шаҳарчасида кўпни кўрган, ҳаёт қувончлари ва ташвишларидан ўзларига фойдали хулосаларни чиқариб, бугунги кунда элдошлари орасида обрў топган фаришта-сифат дуоғўй онахонлар умргуза-ронлик қилишади.

— Тақдир тақозоси туфайли турмуш ўртоғидан эрта ажраб, бир этак фарзандларини вояга етказган аёллар бор. Бугун уларнинг аксарияти маҳалламиз корига камарбаста бўлишяпти. Фарзандлари улғайиб, оналарига суянчиқ бўлиб қолишди. Биз бундай оналаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди Янги Чиноз ШФЙ раиси Ханифа опа Сабиркулова.

Раҳматли Алимбек Жўрабеков катта-ю кичикка бирдек меҳрибон, гамхўр



шу билан бирга ўз ишининг устаси эди. Турмуш ўртоғи Олтиной опа билан уч фарзандни бўлишди. Қисмат экан, умид билан дунёга келган болаларни вояга етказиш, камолини кўриш унга насиб этмади. Алимбек ака оламдан ўтганида кичик ўғли икки ёшда эди. Олтиной опа ёлғиз қолганига қарамай, фарзандларга тўғри тарбия бера олди. Катта қизи Мадинахон эндигина 22 ёшга кирган бўлса-да, мана,

беш йилдирки, ўз уйда маиший хизмат кўрсатиш турларини йўлга қўйган. Хунарли одам хор бўлмас экан. Эндиликда юзга яқин шогирдлари бор. Тўй-ҳашам, байрамлар арафасида қўли-қўлига тегмайди. Мадинахоннинг хизмати туфайли келинчақлар гул гунчадек чирой очилади. У келажакда маҳаллада хусусий маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини очишни режалаштирмоқда. Яқинда оила аъзолари маслахатлашиб, Мадинахонга “Матиз” машинаси олиб беришди.

Олтиной опанинг ҳовлисидаги саранжом-сарихталлик, меҳр билан парваришланган гулларнинг чиройи кўзни кувнатади. Она ва фарзандларнинг бир-бирига кўрсатаётган меҳрибончилигини кўрган кишининг ҳаваси келад...

\*\*\*

Маҳалланинг яна бир кайвониси Анора опа Аҳмедовани ишининг кўзини биладиган онахон дейишади. Бу йил 70 ёшни қарши олган ая беш нафар фарзандни бир ўзи улғайтириб, касб-корли қилди. Уларнинг хонадонига кириб бораркансиз, томорқадаги деҳқончилик маҳсулотларини кўриб, дил яйрайди. Турли-туман сабзавот ва экинлар ҳовлини яшнатиб турирди. Чаккасига район кистририб олган Анора аянинг юз-кўзларидан нур ёғилади.

— Мустақиллик шарофати туфайли шундай ёруғ кунларни кўриб яшаш насиб этди, — дейди Анора опа. — Турмуш ўртоғим қазо қилганда бир этак бола билан қолгандим. Болаларим ўшанда жуда ёш эди. Бир амаллаб, рўзгор юқини елкамга ортганман. У даврларни энди эсласам, эртатка ўхшайди. Яхшиси, бугунги обод ва фаровон кунларимизга шукрона айтайлик. Оилавий тadbиркорлик ри-

Самарқанд шаҳридаги 3-сонли туғруқхона бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Лола Ҳамроеванинг беминнат кўмагида шифо топган беморларнинг дил сўзлари, яхши ниятлари ва тилаклари тўпланса, бир рисолага жой бўлгудек...

Беш нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб ўстирган, саранжом-сарихта, тежамкор ва оқила аёл Саида аянинг ёшлигиданоқ тиришқоқ, илмга чанқоқ қизи бўлмиш Лолахондан умиди катта эди. Тиббиётга алоҳида меҳр қўйган зукко, ҳаракатчан қиз мактабни тугатиб, Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кирганида ота-она, қариндош-



Лола ҲАМРОЕВА:

## БЕШИКЛАР ТЕБРАНСИН УЙЛАРДА!

ларнинг қалби қувончга тўлди.

1996 йилда мазкур институтнинг даволаш факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган Лола Ҳамроева интернатлари ўзи туғилиб ўсган Бухоро вилоятидаги вилоят ихтисослаштирилган туғруқхонасида ўтади. Шу орада Бухоро тиббиёт билим юртининг акушерлик ва гинекология курсида ўқитувчилик қилганида ҳам, қолаверса, Самарқанд вилоятининг Нуробод туман марказий шифохонасига қарашли туғруқ мажмуасида акушер-гинеколог лавозимида фаолият юритганида ҳам ўзининг меҳнатсеварлиги, ширинсуханлиги, хушмуомалалиги билан эл-улуснинг меҳрини, хурматини қозонди.

— Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси бизнинг жамоамизда ҳам ўзининг яқол ифодасини топмоқда, — дейди биз билан сўхбатда Лола Ҳамроева. — Туғруқ мажмуамиз 160 ўринга мўлжалланган. Барча бўлимларимиз энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Бу эса беморларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, туғруқ жараёнининг кўнгилдагидек ўтиши ва тиббий хизмат савиясининг юқори даражага кўтарилишида ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда. Илгари туғруқхонада туғиш ёшидаги оналар кўзи ёригач, чақалоқлар алоҳида хонага

### Орамиздаги одамлар

вожлантириш учун мамлакатимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, шахсий ҳўжалигимизда чорвачиликни ташкил қилганмиз. Шунингдек, олма, ўрик экиб, боғлар бунёд этдик. Ўғилларим, келинларим эрта-ю кеч хизматимда. Армонли дунё экан-да, қутилмаганда қизим Гулолимнинг эрта дунёдан ўтиб қолгани ҳам менинг қаддимни буқди. Раҳматлидан икки қиз ёдгор бўлиб қолган эди. Каттасини узатдик. Кенжаси 8-синфда ўқийди.

Хозирги кунда набира қизларим ҳам тўқувчиликнинг ҳадисини олишган. Бўш вақт топди, дегунча хунар ўрганишга ошиқшадим. Уларга қараб ўтириб, губорларим тарқайди. Нимасини айтасиз, қизим, шулар билан бағрим



бугун-да. Шукри, 18 нафар неварам, 8 нафар чеварам бор. Маҳалла-қўйнинг яхши-ёмон кунларида елкадошман. Ёшим бир жойга борган бўлса-да, ҳалиям шижоатим баланд. Келин-қизларга қараб ўтирмайман, ҳовлидаги экинларнинг парваришига қарашаман. Чунки меҳнат кишини ёшартиради-да.

Биз бугун ҳаёт синовларига мардонор дош бериб, фарзандларини оқ ювиб, оқ тараган бундай фидойи онахонларга ҳар қанча ҳурмат, эҳтиром кўрсатсак арзийди.

НИГОРА ЎРОЛОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Тошкент вилояти.

### Тиббиёт фидойилари

олиб қўйилар эди. Шу сабабли чақалоқлар шамоллаш ва бошқа хасталикларга чалинард. Эндиликда чақалоқ дунё юзини кўрганиданоқ оналари кучоғига бериляпти. Имкони борича аёлларга ўз уйларидагидек мухитни яратишга интиляямиз.

Дарвоқе, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган мазкур туғруқхонада маълум шифокорлар фаолият юритади. Хизмат кўрсатиш даражаси юқори бўлгани учун Жомбой, Тайлоқ, Ургут туманларидан ҳам бўлгуси оналар шу ерга муружаат қилишяпти. Шунингдек, ушбу туғруқхона базасида Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультети акушерлик ва гинекология кафедраси жойлашган. Кафедрани профессор ўқитувчилар талабаларга сабоқ бериш билан бирга, даволаш жараёнларида ҳам фаол қатнашишяпти. Туғруқ мажмуасида

Лайло Алиева, Нодира Курбонова, Лола Бердиева, Улугбек Лутфуллаев, Тоҳира Солиева, Гулнора Абдухалиқзода, Бобо Юсупов, Нигора Ахорова каби тажрибали шифокорлар кўпчилигининг ҳурмат-эътиборини қозонишган.

Сўхбат орасида Лола опа шу масканда кўп йиллар ишлаган, тиббиёт фидойиларидан бири, профессор Муҳсин Ҳамидовнинг жонқуярлиги ва ҳалол меҳнатини алоҳида эътироф этди. Анъанага биноан жамоа аъзолари шу даргоҳда ишлаб нафақага чиққан устоз шифокорларни ҳам йўқлаб, эслаб туришар экан.

Дарвоқе, ўз маҳалласида ибратли оилалардан бири сифатида Лола Ҳамроева билан турмуш ўртоғи Баҳодир акалар хонадони фахр ила тилга олиниши ҳам бежиз эмас экан. Чунки улар уч нафар фарзандни эл-юрт корига камарбаста қилиб тарбиялаш йўлида ҳам бошқаларга намуна бўлишмоқда.

— Шифокорларнинг нияти ҳар доим ёруғ бўлади: ҳар бир хонадонда дуркун чақалоқлар йиғиси эшитилиб, бешиклар тинмай тебранаверсин, — дейди Лола Ҳамроева.

ҲОШИМ ОРЗИҚУЛОВ,  
“Оила ва жамият” муҳбири,  
Самарқанд вилояти.

### Тadbир

## ФОТОСАНЪАТ НАМОЙИШИ БОШЛАНДИ

6 октябрь кунини Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида VII Тошкент халқаро фотобиенналес иш бошлади. “Ўх-шашлик. Тасаввур ва борлиқ” шиори остида ташкил-лаштирилган мазкур халқаро фотобиеннале эзгу гоёси, ташкилий ва бадий савияси билан жаҳон маданий ҳаётида ўз нуфузига эга бўлган ижодий лойиҳалар сирасига қиради.

Тadbирнинг очилиш маросимида ижодий ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, хорижий дипломатик корпус вакиллари, таниқли рассомлар, фотосуратчилар ҳамда талаба ёшлар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар тинчлик ва осойишталикни, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, ма-



даний-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашда санъатнинг муҳим ўрни борлигини, мамлакатимизда бошқа соҳалар каби фото ҳамда тасвирий санъатни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Бу йилги Тошкент фотобиенналесиде Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Италия, Руминия, Канада, Бразилия, Беларусь, Япония, Россия, Исроил, Латвия, Литва, Эрон, Украина, Қозоғистон каби жами 32 давлатдан ижодкорлар қатнашмоқда. Япониянинг фотосанъатга оид музейлари экспозициясидан намуналар акс этирилган кўргазма томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Шунингдек, Соғлом бола йилида бўлиб ўтаётган мазкур санъат анжумани доирасида ёш ижодкорларнинг ҳалқаро танлови ҳам ташкил этилган бўлиб, унда Элдор Содиқов, Фарход Каримов, Темур Курбонбоев, Нигина Мавлонбердиева, Павел Ким, Валентин Ильин каби ёшларнинг ишлари ҳам намоийиш этилмоқда.

Тadbир доирасидаги кўргазмалар пойтахтимизда 14 октябгача давом этади.

Ўз муҳбиримиз.

## ҲИСОБЛАГИЧ НОСОЗ БЎЛСА...

### ёхуд электр, газ, сув сарфини ўлчаш асбоблари хусусида

“Уйдаги ҳисоблагичи- мизга сертификат олиш вақти ўтиб кетибди, бил- мабмиз-да”, “Иссиқ сув ҳисоблагичимиз яхши иш- лаётган эди, сертификат олиш учун топширсам, ундан сув оқаяпти, дейишди” ёки “Сертификат олиш учун ҳам таъмирлатишди, ҳисоблагич туппа-тузук иш- лаб турибди-ку” деган гап- лар гоҳ-гоҳ қулоққа чалина- ди. “Ўзстандарт” агентлиги- нинг марказ ва муассасала- ри мутахассисларининг электр энергияси, маийш газ, иссиқ ва совуқ сув сар- фини ўлчаш восита (прибор)ларини давлат қиёсловадиган ўтказиш бора- сидаги белгиланган тартиб- лар ва амалий тажрибалар- га доир фикр-мулоҳазалари сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Хонадонларда фойдала- нилаётган табиий газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сувни ўлчаш асбобла- рининг соз бўлиши таъми- нотчиларнинг ҳам, истеъ- молчиларнинг ҳам манфаат- ларига хизмат қилади. Ўзбе- кистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ моддий бойликлар ва энергетика ресурслари- ни ҳисобга олишга нисбатан давлат метрологик текши- руви ва назорати татбиқ этилади. Шу мақсадда жис- моний шахслар ишлатаёт- ган энергетика ресурслари- ни ҳисобловчи ўлчаш воси- талари ҳам ўрнатилган дав- рийликда — 4 йилда бир марта мажбурий текширув- дан ўтказиб турилади.

— Бундай текширувлар қай тартибда ва ким томи- нидан амалга оширилиши, зарурат туғилганда, табиий газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув ҳисобла- гичларини қаерда таъмир- ланиши ҳақида истеъмолчи- лар ҳар доим ҳам етарли маълумотларга эга эмасли- ги уларда баъзи тушунмов- чиликлари пайдо қилмоқ- да, — дейди “Ўзстандарт” агентлиги Метрология хизматлари кўрсатиш маркази ДК бўлим бош- лиги Алишер Убайдулла- ев. — Вазирлар Маҳкамаси- нинг 2009 йил 5 июндаги «Электр энергияси истеъ- молини ҳисобга олиш ва на- зорат қилиш тизимини та- комиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2013 йил 1 ноябрдаги “Электр энер- гиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш ме- ханизмининг тубдан такомил- лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ республика ҳуду- дида эски индукцион электр энергияси ҳисоблагичлари- ни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмашти- риш ишлари олиб борил- моқда. Шуни таъкидлаш

жоизки, барча электр энер- гия истеъмолчиларидаги эски индукцион ҳисоблагич- лари “Ўзбекэнерго” давлат- акциядорлик компаниясининг ўз маблаглари ҳисобига 2017 йил 1 январига қадар алмаш- тирилиши белгиланган. Ҳозирги кунда электр энергия- си истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг авто- матлаштирилган тизимлари- (АСКУЭ)га улаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, эски индук- цион электр энергияси



ҳисоблагичлари замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилиши сабабли уларни таъмирлаш ва давлат қиёсловадиган ўтказиш тўхта- тилди. (Эски ҳисоблагичлар фақат мунозарали ҳолатлар келиб чиққанда суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш орган- ларининг сўровномаси билан манфаатдор томонлар иштирокида эксперт қиёс- лашдан ўтказилади.)

Айни пайтда истеъмолчи- ларга қулайлик яратиш ва давлат қиёслаш бўйича хиз- матларни таъминлаш мақса- дида “Ўзстандарт” агентли- гининг ҳудудий марказлари- да аккредитланган қиёслаш лабораториялари ҳам фао- лият юритмоқда.

Юртимизда электрон ҳисоблагичлар ва ўлчов ток трансформаторлари ишлаб чиқарувчи бир қатор кўшма корхоналар фаолият кўрсат- моқда. Мазкур корхоналар- да электр энергияси ҳисоб- лаш приборлари (асбобла- ри) бирламчи қиёслашдан ўтказилади. Яъни бу янги ас- боблар 4 йил муддатгача сертификат билан таъмин- ланган ҳисобланади. Аммо ноқонуний йўллар билан чет- дан келтирилган қалбаки ҳисоблагичларда бундай им- кониятлар йўқ ва қалбаки ас- бобларнинг тўғри ишлашига ҳеч ким кафолат беролмай- ди. Бундай ҳисоблагичларни харид қилиб қўймаслик учун асбобнинг тамғалари, пас- порт маълумотларига эъти- бор бериш, энг асосийси, сотувчининг унинг сертифи- катини сўраш айтиш мумдо- дир. Бу фикрни газ, сув сар- фини ўлчаш асбобларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

— Сертификат олиш мақ- садида муассасамизга аҳоли томонидан топширилган ҳисоблагичларни қиёслаш- да ўтказишда белгиланган талабларга амал қилинади, — дейди “Ўзстандарт” агентлиги Миллий эта- лонлар маркази давлат муассасаси директори

вазифасини бажарувчи Ҳик- мат Маҳмудов. — Дейлик, иссиқ ёки совуқ сув ҳисобла- гичи ана шу талаб доирасида максимал даражадаги текши- ришга қаратилган 1,6 МПа (мега паскаль) босим берилади. Бу босимга бардош бера олмаган ўлчлагичлардан сув оқиши мум- кин ва унга сертификат бериб бўлмайдиган. Уни таъмирлаш ло- зимлиги қайд этилган ҳолда ҳисоблагич қайтарилади. Тўғри, талабга жавоб бермайдиган бундай воситалар паст ёки ўрта- ча босимда ишлаш олиши мум- кин. Лекин бирор қутилмаган сабабларга кўра қувурларда сув босимининг ошиб кетиши, бун- дай ҳолатда хонадондаги хавф- сизликни таъминлашни назарда тутиб, ушбу воситаларнинг си- фатлилик даражаси шундай тарзда текширилади. Қиёсла- тишга келган мижозларга буни ҳар доим тушунтиришга ҳара- кат қиламиз. Чунки уларда: “Уй- мизда яхшигина ишлаб турган эди, бузиб қўймадингизми?” каби мазмундаги саволлар ту- гилади. Ўлчаш воситаси мута- садди корхонада таъмирдан чиққач, улар яна қиёслашдан ўтказилади, бу эса мижоз учун кўшимча харажат дегани. Тўрт




йил (кечкики муурожаат қилин- гани учун баъзан ушбу муддат- дан кўпроқ вақт) давомида сув, айниқса иссиқ сув ўлчлагичдан ўтганида чўкинмалар пайдо бўлиши табиий. Бирок бизнинг муассасида фақат қиёслаш текшируви ўтказилади. Ўлчлагични тозалаш, таъмирлаш ишлари бошқа мутасадди корхоналарда амалга оширилади. Масалан, Тошкент шаҳрида жами 12 тага яқин таъмирлаш ва қиёслаш ҳу- сусий корхоналари бор, бундай номда аккредитациядан ўтган корхоналар ва муас- сасамиз ўртасида шартномалар тузил- ган бўлиб, уларнинг ҳар бирида махсус қиёслаш ускуналари- ми ўрнатилган. Бир неча ўлчлагичлар таъ- мирлангандан сўнг корхона уларни қиёс- лаш учун вақил сўраб бизга буюртма бера- ди ва муассасамиздан борган ҳодим у ерда- ги ускуна ердамида ўлчлагичларни текши- рувдан ўтказиш ҳамда ҳулоса- ларини бизга тақдим қилади. Си- фатли деб топилган ўлчлагичлар- га сертификат тайёрлаб истеъ- молчига берилади ва нухсаси корхонага юборилади. Бу жара- ённи аниқроқ тушунаган ҳолат- ларда аҳоли ўртасида: “Таъмир- лаш корхонаси ҳам қиёслашдан ўтказиб сертификат беради”, деган фикрлар пайдо бўлмоқда. Шу билан бирга, фақат таъмир-

Ж а р а ё н

лаш билан шугулланувчи бошқа хусусий корхоналар ҳам фаолият юритади. Ўлча- гичларни қиёслаш ва серти- фикатлар беришга доир тек- ширувлар фақат “Ўзстандарт” агентлигининг муассаса ва корхоналари ҳамда унинг республикамиздаги ҳудудий марказлари томонидан амал- га оширилади. Яна бир нар- сани айтиш жоиз, асбобнинг носоз ишлаши натижасида, масалан, ҳисобни кам кўрса- тиб сувнинг кўп миқдорда ўтиши ёки аксинча, чўкма пайдо бўлгани сабабли сув кам ўтса ҳам ҳисоб кўпайиб кетиши ҳеч гап эмас.

— Ўзбекистон давлат стан- дартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбе- кистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни на- зорат қилиш давлат инспек- циясининг 2014 йил 7 июлда- ги қарори билан тасдиқлан- ган Низомда газни ҳисобга олиш приборларини текши- рувдан ўтказиш тартиблари белгиланган, — дейди “Ўзстандарт” агентлиги Метрология хизматлари кўрсатиш маркази ДК бўлим бошлигининг ўрин- босари Дониёр Иноғомжо- нов. — Шунга мувофиқ, те- гишли ҳудуддаги газ таъми- ноти корхонаси газни ҳисоб- га олиш приборини даврий текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати туғашидан ўттиз кун олдин прибор- ни даврий текширувдан ўткази- ш зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантирилади. Газ таъминоти корхонасининг му- тахассиси ариза берилгандан сўнг, беш иш кун ичида при- борни текширувдан ўтказиш учун истеъмолчи иштирокида ечиб олади. Истеъмолчи при- борни ва уни ечиб олинган- лиги тўғрисидаги далолатно- ма нухсасини давлат метро- логия хизмати органига топ- ширади ва мазкур орган то- монидан уч кун ичида прибор текширувдан ўтказилади. Текширув натижаси ижобий бўлган тақдирда прибор фой- даланишга яроқли деб топи- лади ва истеъмолчи прибор текширувдан ўтказилганлиги ҳақида сертификат бери- лади. Текширув натижаси салбий бўлган тақдирда прибор фойдала- нишга яроқсиз деб топилади ва шу куннинг ўзида бу ҳақда истеъмолчи- га хабар берилади. Бундай ҳолатда истеъмолчи уни таъ- мирлаш учун “Ўзстандарт” аген- рлиги томонидан аккредита- тлиги қилинган таъмирлаш кор- хоналарига топшириши ёки Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситалари давлат ре- естрига киритилган ва текши- рувдан ўтказилган бошқа прибордан фойдаланиши мумкин.



Дилором МАТКАРИМОВА ёзиб олди.

Бандлик дастури — амалда!

## ХУНАРДАН РИЗҚ УНАЁТИР

Жиззах вилоятининг Гал- лаорол тумани марказида Ватанимиз Мустақиллиги- нинг 23 йиллик байрами ара- фасида ўз иш фаолиятини бошлаган “Гилам АРТ” кўшма корхонасида шу кунларда ўттизга яқин чеварлар меҳнат қилишяпти. Корхона бошқа- рувчиси Гулноз Сандибоева билан суҳбат асносида унинг ўзи гилам тўқиш сирларини болалигидаёқ ўзлаштиргани- ни айтиб берди.



— Бу нодир хунарни онам Ҳалима Исоқовадан ўрган- ганман, — дейди Г. Сандибо- ева. — Онажоним қирқ йил- дан зиёд турли нухсадаги гиламларни тўқиган. Табаррук 86 ёшларида ҳам урчқ йиги- ри, ипларни рангларга бўяб бераётдилар. Оиламиздаги барча ўғил-қизлар шу соҳа- га қизиққанмиз. Ҳозир ҳам, ишонасизми, онам ва туғиш- ганларим жундан арқоқ иплар тайёрлаб беришади. Бахмал туманидаги Ўснат шаҳарча- сида ҳам ипак гилам тўқий- диган кичик цех очганимиз. Ўзимга келсак, Алишер Ново- ийнинг сиймоси туширилган гиламчам билан тадбиркор- хунармандрлар таловида голиб бўлганман. Ушанда хо- рижликлар ишимизга қизи- қиб қолшганди. Эндиликда ҳамкорлигимиз хайрли кеча- япти. Ишимизни янада кен- гайтириб, келгусида уч юз- дан ортик хунармандрларни иш билан таъминлашни ре- жалаштирганмиз.

Яна бир суҳбатдошимиз Феруза Яхёеванинг чеварли- ги ва моҳирлигига таъриф йўқ. Асли бошланғич таълим муаллимаси бўлган тиниб- тинчимас бу хунармандр аёл таътил даврида билганлари- ни ёшларга ўргатди. Мафту- на Абдужалилова ҳам қадим- ий нухсадаги гилам тўқиш сирларини бошқаларга эринмай тушунтиради. Нар- гиза Эшбекова, Майсара Са- идазимова, Наргиза Қувона- ва, Наврўзгул Нурмаматова- лар тумандаги Саноат касб- хунаро коллежини битириб, шу ерда иш бошлашди. Ишбай ҳақ тўланиши қизиқишни яна- да оширмоқда.

Миллий хунармандрчи- лимизнинг ўлмас ва ёрқин намунаси ҳисобланган гиламчилик санъати ривожига ҳисса қўшаётган бу қўли гул чеварларнинг меҳнати махсу- ли бўлган гиламлар бугунги кунда хорижда ҳам эътироф этилаётгани жуда қувонарли.

Норинисо ҚОСИМОВА,  
“Оила ва жамият”  
муҳбири.  
Жиззах вилояти.

— Огабек, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева бир сўхбатдада қизик воқеани айтиб берган эди: яъни Муножот опа Яман Республикасида концерт бераётганида “Муножот”ни куйлайди ва бир нафас тин олиб, бошини кўтариб қараса, бошқа миллат вакили кўз ёшларини тия олмасдан йиғлаётган экан... Ҳа тингловчинини таъсирланган ҳолат нимада, деб ўйлайсиз?

— Бу, менимча, куйланаётган кўшиқ, оҳангнинг ҳақиқий мазмун-моҳияти билан боғлиқ бўлса керак. Қолаверса, иқтидорли санъаткорнинг ижро маҳорати тингловчи қалбини тўқинлантириши ҳам лозим. Биласиз, ҳазрат Алишер Навоийнинг ғазалларида одамни ўзига мафтун этувчи илоҳий жозиба бор. Шу маънода, унутмайлик, яхши кўшиқ ҳеч қачон миллат ёки эл талламайди. Демак, санъатнинг ҳам илоҳий жозибаси бор-да, фақат уни чин юракдан ҳис этиш керак. Ўзимиз ҳам жаҳон санъатининг энг нодир намуналарини берилиб тинглаймиз ва сўзларини тушунмасак-да, гоҳ ич-ичимиздан завқланиб, гоҳ маҳзун тортамиз. Куй ва кўшиқнинг сеҳрли қудрати ҳам шунда-да...

— Бугун кўпчилик ёшлар эстрада жанрида ижод қилмоқда. Мумтоз ашуларни куйлаш эса анча мушкул. Ҳузурига маслаҳат сўраб келувчи ёшларга қандай йўл-йўриқлар кўрсатасиз? Шогирдларингиз борми?

— Аввалига ёш ижрочиларнинг овозини эшитаман. Истеъдоди бўлса, мумтоз санъатимизни қадрласагина, кўлимдан келганча ёрдам бераман. Шогирдларингиз борми, деяпсиз, ҳали менинг ўзим шогирдман-ку! Санъатимиз даргаларидан бири Комилжон Отаниёзовнинг издоши, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ортиқ Отажоновнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқларига суюниб, санъатда ўз йўналишим, ўрнимни топишга интиланман. Ҳали-ҳали эсламан, эндигина кўшиқ куйлай бошлаган кезларимиз устоз бизнинг овозимизни эшитиб, қандай баҳо бериб экан, деган хавотирли саволлар кийнаган. Бугунги кунда мумтоз сувораларимизни маромига етказиб куйлаётган йигит-қизлар кўп. Хоразмда халфачилик йўлида ижод қилаётган, бу ноёб услубни замонавий йўллар билан чиroyли талкин этаятган ёшлар кўпаймоқда. Янгилик қилишга интилишлар бор. Аммо ҳамма нарса меъёрида бўлгани яхши. Бачкана кўшиқлар тезда унутилади. Унутилганига қадар эса одамларнинг гашига тегади. Ана шундан эҳтиёт бўлиш керак.

Устозларимиз бизга саҳна маданияти, муомала ва ўзини тутиш одоби ҳақида кўпдан кўп сабоқлар беришган. Нега десангиз, ёшларда катта-кичик хатолар унчалик сезилмайди ёки тан олгингиз ҳам келмайди. Шундай пайтда

катталарнинг, кўлимизга қалам ёки тор тутқазиб, синчковлик билан кузатган устоз-муаллимларнинг танбехлари ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. Баъзан айрим ёшлардан устозингиз ким, деб сўрасам, ер чизиб қолишади. Ушанда, “Устоз кўрмаган шогирд ҳар муқомга йўргалар” деган ажойиб халқ нақлининг маъноси нақадар чуқур эканлигини англайман.

— Сизни ҳам ҳеч иккиланмасдан санъаткорлар сулоласи вакили дейишга асос бор, чунки укангиз

**Огабек СОБИРОВ,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

## САНЪАТДА ИЛОҲИЙ ЖОЗИБА БОР



**Анвар эл орасида танланган истеъдодли санъаткор, жиянингиз Улуғбек Собиров ҳам яхшигина кўшиқлар куйлапти. Уларнинг ижодига қандай баҳо берасиз?**

— Азалдан бизнинг ҳонадонда мумтоз санъат намуналари қадрланган. Отамиз ҳам, онамиз ҳам ниҳоятда зукко, илмли инсонлар эди. Анвар ҳам хонанда, ҳам актёр сифатида элга танилган. Улуғбекнинг ажойиб қирралари юзага чиқяпти. Унинг дадаси — акам Мақсуд Собиров адабиёт ва санъатни қадрлайдиган, теран тушунадиган инсон. Шу боис кўпгина кўшиқларимизнинг матни у кишининг қаламига мансуб. Қувончлиси, бизнинг оиламизда ҳаммиша бадиий-ижодий муҳит ҳукмирон.

— **Хизматларда, эл орасида кўп бўласиз. Мухлисларингизни қай даражада кузатасиз?**

— Тўй-томошаларда кўпроқ сувораларимиз, мумтоз ашуларимизни куйлайман. Албатта, тингловчиларнинг савияси, диди ҳар хил. Кимдир шўхрок ашула тинглаши истаса, нуруний отахон ва онахонларимизга суворалар ёқади. Барча шинавандаларнинг кўнглини топиб куйлашга ҳаракат қиламиз. Лекин баъзи давраларда кўшиқларимизни тингламай, гаплашиб ўтирадиганларга ҳам дуч кел-

ламиз. Улар қаерда ўтирганини, нима эшитаётганини ҳам ҳис қилмайди. “Мени эшит”, деб бундайларни мажбурлай олмайсиз-ку!

Шу маънода айтиш керакки, мухлислик, шинавандаларнинг ҳам ўзига хос қоидалари бор. Эслайлик, бетакрор кулги устаси, раҳматли Ҳожибой Тожиев куйлаб, гапириб турган маҳалда саҳна ўртасига гул кўтариб чиққан кишиларни қаттиқ танқид остига олар эдилар. Жуда кўп кузатганман бундай ҳолатларни. Тасаввур қилинг, концерт

— Айни пайтда болаларнинг ўқиши, тарбияси билан меҳрибон онажонга ва аёлим кўпроқ шугулланишяпти. Уйга киришим билан фарзандларим югуриб келиб, эрқаланганида, нималарнидир сўраб, мени саволга тутишганида, бутун чарчокларим тарқаб кетади. Кун бўйи нималар қилишгани, дарслари, машғулоти ҳақида сўраб-суриштираман, керак бўлса, ёрдам бераман. Эртанимиз ворисларининг келажиги учун ота ҳам, она ҳам, бувию, бобо ҳам бирдек



**ҲАМБЎЙИНСА** — халқимиз тилида “тенгдош”, “тенгқур” сўзларининг “ҳамбўйинса” шакли ҳам бор. “Бўйинса” сўзининг туб илдизи “бўй” сўзига бориб тақалиб, бу сўз “бўйи тенг” маъносини ифодалаши мумкин.

**Келавер бизниқига, ҳамбўйинсанг Бўзтой билан ўйнайсан.**

Асад Дилмурод

**НАФСОНИЯТ** — “Нафсоният” сўзи тилимизда кишининг ўз назаридаги кадр-қиммати, обрў-эътибори, ғурури, иззат-нафси маъносини ифодалайди. “Нафсоният” сўзининг туб маъноси ҳақида икки хил қараш мавжуд. Биринчи қарашга кўра, бу сўз ҳозирги маъносига зид бўлиб, “худбинлик”, “ёқтирмаслик”, “ёмон кўриш” маъноларида, деб таъкидланади. Иккинчи қарашга кўра, бу сўз “нафс” ва “ният” сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, “кишининг ўз кадр-қиммати ҳақидаги туйғуси” мазмунини ифодалайди.

— **Бўтабой ака, масалага кенгроқ, нафсониятга берилмай, холисроқ қараш керак бўлар...**

Абдулла Қаҳҳор

**ЛЎНДА** — одатда, биз “гапнинг лўндаси”, “лўнда қилиб айтганда” деган ибораларни кўп ишлатамиз. Тилимизда бу сўз асосан, “қисқа, ихчам-ва аниқ” деган маъноларни англатади. Қизиги шундаки, “лўнда” сўзининг туб маъноси ҳозирги мазмунига мутлақо тесқари бўлган. Яъни бу сўзнинг асл илдизи “жавраш, вайсаш, минғирлаш” каби маъноларни билдирган.

— **Лўнда қилиб айтганда менга ҳам, сизга ҳам ўқиш, ўрганиш зарур, — деди Комила.**

Ойбек

**Эшқобил ШУКУР**  
тайёрлади.

масъул бўлиши керак-да, тўғрими? Озгина эътибор-сизлигимиз бир кун келиб каттароқ хатоларни ўзага чиқариши мумкинлигини бир лаҳза ҳам унутмайлик.

Куну тун Оллоҳдан тиламан, қошу кўзим орасида авайлаб ўстираётган фарзандларим — Исломбек, Иброҳим, Гулруҳ, Махфуза, Мухлисалар ишончимни оқлаб, юзимни ёруғ қилишсин.

— **Таъкидлаш жоизки, истиқлол даврига келиб, юртимизда барча жабҳаларда, шу жумладан, санъат соҳасида ҳам улкан ўзгариш ва янгиликлар рўй берди. Бундай кунларни ота-боболаримиз қанчалар соғинишган, орзу қилишган, тўғрими?**

— 23 йиллик истиқлол даври тарих учун ниҳоятда қисқа муддат ҳисобланса-да, лекин бизнинг халқимиз, миллатимиз учун гоят қадрли ва азиз эканлигини энди чин дилдан ҳис қилиб яшаётган инсонлар Ватанимизда кўп. Президентимиз раҳнамолигида давлатимиз томонидан миллий санъатимизни ривожлантириш ва дунёга танитиш йўлида катта имкониятлар яратилди. Бугун бутун дунё мамлакатларида мумтоз кўшиқларимизни севиб тинглайдиган мухлислар бор. Ёш мусиқачиларимиз жаҳон саҳналарида, нуфузли танловларнинг голиби бўлиб қайтишмоқда. Эстрада, фольклор йўналишида ижод қилаётган санъаткорларимизнинг овози дунё бўйлаб янграмоқда. Тасаввур қилинг, бир замонлар устоз санъаткорларимиз бугунгидек тинч-осойишта, тўқин, фаровон кунларни орзу қилиб ўтишган. Ана шундай дорилмомон, бахтли-саодатли кунларни ҳар қанча қадрласак, мадҳ этсак, барибир камлик қилади.

**Меҳринисо ҚУРБОНОВА**  
сўхбатлашди.

**Отахон ва онахонларимиз келин-куёвларни: "Кўшгани билан кўша қарсин", дея дуо қиладилар. Бир-бирига суяниб, бир-бирини асраб-авайлаб яшаётган нуруний боболар, бувижонларни кўрганимизда уларга ҳавасимиз келади, кўнглимизда эзгу тилаклар уйғонади: "Илоҳим, бизга ҳам сизларникидек бахт берсин"...**

**Оила кўргонини турмушининг ҳар турли талотўларидан асраш осонми? Бу борада отахон ва онахонларимизнинг бой ҳаётий тажрибалари кўпчиликка ибрат бўлади.**

...Яқинда юздан ошиб ҳам хассанималигини билмайдиган отахон билан суҳбатлашиб қолдик. Табиийки, гўё бир сеҳрли малҳами бордек, узоқ яшашининг боиси билан қизиқдик. Отахон мамнун жилмайиб, кампирига ишора қилди: "Ҳамма гап ана шу хонангиз-да. Бир умр парварис қилди, фарзандларимни яхши тарбиялаб, раҳматлар олиб берди, очиқ ўзи билан ишга кузатиб, кулиб-жилмайиб кутиб олди. Бир одамга бундан ортиқ яна нима керак?" деб бизга юзланди.

Бувига қараймиз. Қулоқлари сал оғирлашиб қолган, нима гапигидан беҳабар. Секин сўраймиз: "Можон, келаси йил сиз ҳам юзга кираркансиз, узоқ умр кўриш сири борми?" Кампининг нурили юзига табассум ёйилди: "Сирини-ку билмайман, қизим, ҳамма гап шу тоғангизда. У киши ҳаммаша кўнглимни авайлади, суянчигим, фарзандларимга яхши ота бўлди. Мен кўп яшамай, ким яшасин?"

Уларга чин дилдан ҳаваси келади кишининг. Отахон ҳарбий хизматни ўтаб, энди унаштирилган ёри дийдорига етаман деб турганида Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, армиядан ўппа-тўғри фронтга кетган экан. Беш йил қон кечиби, етти йил деганда уйига қайтиб келибди. Онахон эса уни сабр билан, садоқат билан кутган, очарчилик, йўқчилик дардини чеккан. Энди эса бир аср бир-бирига суянч бўлишга куч топган бу икки инсондан бахтиёр одам йўқ. Ана шу кучнинг номи — аҳиллик эмасмикин?

Ота-онам, биз — бир этак болаларни уйлаб-жойлашда ҳар сафар оиламизнинг энг каттаси, саксондан ошган бувимдан маслаҳат сўрашарди. Бувим биринчи навбатда шундай саволни кўндаланг қўярдилар: "Суриштирилганлар-чи, қуда бўлмишининг авлодида ажрашганлар йўқ эканми?" Инчунун, қўйди-чиқди бўлган оилалардан киз олиб, қиз беришни истамасдилар. Чунки бир пайтлар ажралиш ўзига яраша иснод сохланган. Шукурки, ҳар биримиз катталарнинг изида оила пойдеворини мустаҳкам қилиб курдик. Фақат биргина муаммо бўлган, ҳоло: акам қўшни кишлоқдаги бир сулув қизга кўнгли берган-у, унинг насли-насаби бизникиларга маъқул келмаган.

— Бу қиз учинчи эридан туғилган

экан, учинчи-я! — хуноби ошди бувимнинг. — Сўраб-суриштирдим, бари билан уришиб-талашиб ажрашган экан. Буларнинг субути йўқ. Тамом. Мен бир пишган меваман, бугун борман, эртага йўқ. Аммо айтиб қўяй: шунга уйланса, гўримда тик тураман!

Ушанда болагимга бориб, икки севишган ёшга тўскинлик қилгани учун бувимдан ранжиганман. Аммо ота-онам унинг айтганини қилишди. Акам бошқа қизга уйланди. Мана, ўзидан кўпайиб, тотув ҳаёт кечираяпти. Уша сулув қиз эса... хуллас, унинг турмуши бўлмади. Аждодларимиз оила қуришдан олдин "етти пуштини суриштир", деб беҳиз айтишмас экан. Бувим нақадар ҳақ эканлар!

Гоҳида қайсидир оилادا содир

келаверган экан. Руқия момо: "Сени шу одобинг учун сенсираш — сийлаш бўлади, аслида, мана нимага муносибсан!" дея хассаси билан бошлаб туширган. Кўрганлар айтишган, ўшанда ҳовлини айлантириб Дилбар опани қувлаган экан. У ўша куниеқ уйига қайтиб кетган. Ҳозир тўрт болани уйли-жойли қилиб, катта қайнона, эл-юртда обрўли онахон бўлиб тўрда ўтирибди. Балки Руқия момонинг таъғи бўлмаганида кейинги урта боласи дунёга келармиди, йўқми... Дарвоқе, Дилбар опа бир қизининг исмини Руқия қўйган...

Гулзода исмли танишим бир қизу бир ўғилни ёлғиз қўллик билан ўстирди, лекин тиш ёриб бировга ҳасрат қилмаган. Шу кунларда ўғлини унаш-

## УЙИДАН КУЛИБ ЧИҚҚАНЛАР БАХТЛИ!

бўлган ажримларга гувоҳ бўламиз. Шундай кезларда кўнглимдан: "Тўғри йўл кўрсатадиган кексаларимиз қолмадимми ёки биз уларни тингламаяпмизми", деган хавотирли ўй кечади.

— Тавба, бу одамларга нима бўлган ўзи? Илгари маҳалламизда битта-иккита бева бўларди. Ҳозир шу кўчанинг ўзида нечта ажрашган жувоғлар бор, — дейди турмуш ўртоғим манглайини тириштириб.

— Шуни айтинг, — гап қотаман таассуф билан. — Гулдек келинлар-а! Буларга нима етишмайди ўзи?

Турмуш ўртоғим бош чайқайди: — Руқия момонинг таъғи етишмаяпти! Сиз билмасиз, илгари кишлоғимизда Руқия момо деган кампир бўларди. Жуда ораста, қаттиққўл, худди "Суянчи" фильмидаги Анзират буви сингари ҳаммани тафтиш қилиб юрадиган онахон эди. Айниқса, қўйди-чиқдиларга йўл бермасди. Одамлар: "Руқия момо эшитмасин", деб пичирлашиб уришишарди. Етти ёт беоналарнинг оиласидан тугулик қочса ҳам, Руқия момо бориб муросага келтирмагунча тиниб-тинчимасди. Эсимда, хув паст кўчадаги миробнинг қизи Дилбар опа аразлаб келганида уйларига бостириб борган. Суриштирса, қайнсинглиси "сен" сираганини учун шартта чакалоғини олиб

тириб, тўй тадоригида юрибди. Учрашиб қолганимизда ҳол-аҳвол сўраганим, чуқур "ух" тортиб гап бошлади.

— Ёлғизлик курсин, бандасига хос эмас экан. Буни шунчалар кеч англадимки... Мендан кўпинча: "Эрингиз билан нимага ажрашгансиз?" деб сўрашади. Турган гапки, ҳамма айбни эримга ағдараман. Аммо ўзимга жавобим йўқ... Ҳар бир уйда бўладиган майда-чуйда жанжалларда ҳаммаша устун бўлишни истадим, паст тушгим келмади. Топиш-тутиши яхши, оилапарвар эримнинг қадрига етмадим. Ёшлик курсин, "Менга бир умр буйруқ бериб яшайдими энди", деб ўйлабман. Сад гижиллашсақ, кетаман, деб кўрқитардим. Бир куни ишдалигиде шартта болаларни олдим-у, ота уйимга келавердим. "Менсиз яшолмайди, бир ялинтрайин", дебман-да. Бир-икки марта келди. "Кетмайман", деб оёқ тирадим. Яна бир келса, қўшилиб кетардим. Аммо у бошқа келмади. Ўзим қайтиб боришга эса гурурим йўл қўймади. Ушанда онам: "Нима қилсанг ҳам



## Қадрият

яшайсан", деб қувиб солганларида қанийди! Отам бўлганида, оғирлик қилиб олдини олармиди, қайдам. Хуллас, уйдагилар оловга мой пуркашди, ҳоло. Майда гаплар катталашди, оилам бузилди. "Қайтиб келиб ажаб қипсан, ўзим боқиб оламан", деган онам энди келинларнинг қош-қовоғидан ортиб, ҳолинг нима деёлмайди. "Ялинма, мана, биз бормиз!" деб ёққрак керган жигарларим ўзлари билан ўзлари овора бўлиб кетишди. Мен эса қорнимга эмас, қадримга йиғлайман. Шукур, ўз уйим бор, болаларимга эл қатори тўй қилишга қурбим етади. Аммо бунгача бўларим бўлди. Бир дардкашим, суянчигим йўқ. Буни, айниқса, ўша кунни, ўғлим учун совчиликка жўнаганимда ҳис қилдим. Ўзи юрагим яримта, эзилиб турибман. Бу бола тушмагурлар: "Ая, қиз тараф анча обрўли, бу қўйлагингиз бўлмайди, биронта дугоналарингиздан сўраб бўлса ҳам, яхши кийиниб бординг", деб ярамга туз сепишди. Ахир мен яхши қўйлақ киймаган бўлсам, уларни бекаму кўст ўстирай деб киймаганим-ку! Э, болалар ҳам сизни тушунавермас экан. Энди дардимни кимга айтмай, барибир кеч. Ишқилиби, болаларимнинг бахти бутун бўлсин, дея дуо қиламан. Ажрашиб, ёлғиз яшашни душманамга ҳам раво қўрмайман...

Бировнинг уйи бузилса, муҳокама қилувчилар кўпаяди. Биров келин эпсиз, деса, бошқаси қайнонани айблайди, яна кимдир қайнсингиллардан қийиқ ахтаради. Аммо шуниси ростки, "қарс" икки қўлдан чиқади, ажралишларда кўпинча оила аъзоларининг, қуда томонларнинг "ҳиссаси" тенг бўлади.

Халқимиз азалдан оилани муқаддас санаб, у билан боғлиқ қадриятларни асраб-авайлаб келган. Икки ёшни никоҳ ришталари билан боғлашдан олдин — қурилажақ оиланинг мустаҳкам бўлишини ўйлаб тadbир қўллаганлар. Чунки кичик мамлакат — оила кўргониде тинчилик-тотувлик ва ахиллик бўлсагина унда юраги бутун, орномусли, юртига наф берадиган етук инсонлар воёга етади. Бир донишманд айтганидек: "Уйидан кулиб чиқиб, кулиб қирадиган одамгина бахтлидир".

Айни пайтда мамлакатимизда бу борада миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг тарзда иш олиб борилмоқда, қурилажақ оила пойдеворини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Аслида оила кўргонини мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиз. Зеро, бу масалага енгил қараш келажакка енгил қараш билан баробар.

Гулҷехра АСРОНОВА,  
"Оила ва жамият" мухбири,  
Фаргона вилояти.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 2 ой.  
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балангача).  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинакада вышивка).  
Тўқувчилик — 3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Кампийг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.  
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

### ҚУТЛАЙМИЗ!

Қадрият акам  
Обиджон Даминов!  
Сизни таваллуд айёмингиз билан самимий муборакбод этамиз. Умрингизга бахт-саодат ҳаммаша ҳамроҳ бўлсин.

Оилангиздан фаровонлик, аҳиллик, хотиржамлик, қувонч ҳеч қачон аримасин. Ҳаётингиз шодмонликда ўтишини тилайман.

Укангиз Асад ДАМИНОВ,  
Қашқадарё вилояти

**Ҳн беш йил аввалги манзара:**

...Ток тагидаги сўрида бутун оила — она, уч ўғил, икки қиз, икки куёв ва икки келин паловни еб бўлишгач, кенжа Захро аччиққина кўк чой дамлаб келиб қайнонасининг олдига қўйиб кетди. Дилбар хола шуни кутиб тургандек, томоғини бир кириб олиб, болаларига юзланди:

— Ҳўш, гапиринглар, энди нима қиламиз?

Ҳамма бир лаҳза жим қолди. Сўнг катта ўғил гап бошлади:

— Ойи, итдан бўлган қурбонликка ярамас, дейдилар. Онаси ким эди-ю, боласи ким бўларди. Қудаларингизга бериб юборинг, агар-уларгаям керак

ҳамки, Захрони қайнонаси қаҳирди:

— Захрохон, манавини ичкарига олиб кириб ётқизиб қўйинг. Аёз тушиб қолди, тагин шамоллаб қолиб, эртага бошимга бало бўлмасин.

Захро қизалоқни қайнонасининг жойи ёнига солинган ўринга авайлаб ётқизди. Сочлари кўнғироқ-кўнғироқ, киприклари қоп-қора ва узун, юзлари лўппи қизча жудаям ширин эди. Аммо у онасига ўхшагани учунми, ҳеч кимга ёқмаяпти. Ҳеч ким уни бағрига олишни истамаяпти. Ҳамма гўдак ҳам онаси бағрида улғайсин экан. Захро собиқ овсинининг бу ишини ҳеч ақлига сиздирилмади. Наҳот гулдак гўдагини меҳрига зор қилиб ташлаб, ундан бутунлай юз ўгириб кетишига арзиса, ўша севиб қолгани? Йўқ, бўлиши мум-

ўғлининг қабри совумай туриб, қайнонаси элу халқдан уялмай: "Уйни бўшат, сенга раҳм қилганим билан ўғлим тирилик келармиди", деди.

Санобарни тоғаси олиб кетди. Чунки ота-онаси оламдан ўтган, акаси ўзи жўжабирдай жон эди. Санобар янгасига кўрпа-тўшак қавишда ёрдам бериб, тирикчиликка хийла қарашиб турди. Кичкиналари бир ярим ёшга тўлганида, тоғаси уни ёнига ўтқазиб, насихат қилди:

— Эндигина йигирма олтига кирдинг, ҳали ёшсан. Турмуш қилишинг керак. Оғайнимнинг укаси бор. Аёли ўтган йили вафот эттибди. Тўрт бола онасиз қолган. Шугина гўдакларнинг бошини силасанг, у ҳам сенинг болаларингни ўз боласидай кўрса, ахир муқофоти бордир. Мен ўша одам бўлашадим, жуда бамаъни, оғир-босиқ экан. Худо хоҳласа, бу кунларинг унут бўлиб кетармиди...

Тоғаси у деди, янгаси бу, биргалашиб Санобарни яна оила қилишга кўндиришди. Жувоннинг олдида бундан бошқа йўл ҳам йўқ эди. Унга биргина нарсаси — ўша одам болаларининг барини бағрига олишигина таскин берарди, холос.

Янги оилада етти бола бўлди. Еттита си олам эди. Йиллар ўтаверди. Икки йилдан сўнг Санобарнинг тоғаси вафот этди. Шундан сўнг у турмуш ўртоғига бутунлай суюниб қолди. Эр-хотин кўш ҳўкиз бўлиб рўзгорни тебратишга, болаларга яхши тарбия беришга киришиб кетишди. Болалар ҳам уйда битта нон қолган бўлса, уни етти бўлакка тенг бўлиб ейдиган даражада бир-бирига меҳрибон бўлиб улғайишди.

Захронинг эсида. У мактабнинг юқори синфини шаҳарда ўқиди. Ўша ерда бир кампирниқиде ижарада турди. Ҳар хафтанинг бошида отаси уни иккита катта сумка тўла озиқ-овқат билан шаҳарга олиб келиб қўярди. Шанба кунни ўқишдан чиқса, дарвоза тагида кутиб турарди. Захро орзулари қаҳида гапирса, отаси севиноиб кетарди. Бу одамни у сира ўғай дейишни истамасди. Чунки ўз отасидан зиёда меҳр кўрди. Унинг раъйига кўра турмушга чиқди. Шукур, турмуш ўртоғи жуда яхши инсон...

— Захро, бу ерда нима қилиясан? — эрининг товлушидан хаёллари тўзғиб кетди келинчакнинг.

— Ҳозир чиқаман, — деди эрига жиламайиб.

У ташқарига чиққанида, ҳамма уй-уйига тарқалган эди. Қайнонаси уни кўриб:

— Сиз кириб кетаверинг, чироқларни ўзим ўчириб қўяман, — деди.

Захро уйга киргач, эрининг қўлларини ушлаб, ўзига қаратди.

— Сиздан битта илтимосим бор.

— Айт-чи, қандай илтимос экан?

— Гуллолани биз катта қилайлик.

— Билмасам... Бунга оғим нима деркин?

— Сиз рози бўлсангиз, ойижонни ўзим кўндираман. Қаранг, бола бечора сарсон бўлиб кетди-ку. Шундай ширин қизингиз бўлишини хоҳламайсизми?

— Эртага ўзимиз ҳам фарзандли бўлсак...

— Гуллола тўнғич қизимиз бўлиб қолаверди. Илтимос... Шу гўдак меҳрга зор бўлса, ўзингизни айбдор санамайсизми?!

— Майли, эртага гаплашармиз...


Эртаси кун яна оила бир дастурхон Соҳибжоннинг қарорини эшитиб, ҳам ҳайрон бўлишди, ҳам хийла таскин топишди...

...Бугун Гуллола коллежда таҳсил оляпти. Шундай одобли, укувли қиз бўлганки, ҳозирданок остонани совчилар босган. У тиккан либосларнинг таърифи етти маҳаллага кетган. Кўчадан ўтганида, уни кўрганлар: «Бу кимнинг қизи?» деб сўрасан, таниганлар: «Захрохон билан Соҳибжоннинг қизи-да!» дейишади.

Шахло ТОШБЕКОВА

**Биласизми?****ЯССИ ПОШНАЛИ ПОЙАБЗАЛЛАР ЗАРАРЛИ(МИ?)**

Бозор ва дўкон расталарида кейинги йилларда паст пошнали ёки умуман пошнасиз, яъни таглиги ер билан тенг турувчи пойабзаллар савдога чиқарилмоқда. Бундай оёқ кийимларининг йилдан-йилга ур-



фаги кириб бораётгани бутун дунё ортопедларини ташвишга солмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай оёқ кийимларни узоқ вақт кийиб юриш оёқ оғриқлари, ревматизм, болдир касалликлари ва ҳатто артритни келтириб чиқариши мумкин экан. Баланд пошнали пойабзаллар умуртқа поғонасида зўриқишни юзага келтирганидек, пошнасиз оёқ кийимлар ҳам умуртқа касалликларга сабаб бўлар экан.

Кўпчилик юриш учун қулай деб ҳисоблаётган ясси пошнали пойабзаллар қандай қилиб соғлиққа хавф солиши мумкин, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Биринчидан, юраётган пайтда бу каби пойабзаллар бир текисда турмайди. Ясси пойабзалларда юриш чоғида оёқлардаги бўғим ва пайлар зўр бериб ҳаракатланади. Натихада оёқларда оғриқлар пайдо бўлади. Агар оёқ кафтида ноқулайлик сезилса, бундай пайтда, албатта, тизза соҳаси азият чекади. Бундан ташқари, ушбу кўринишдаги оёқ кийим кийганда, нафақат оёқлар, ҳатто инсоннинг ўзи тез чарчаб қолади.

Ясси пошнали оёқ кийимлар, айниқса, болаларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун болаликдан ортопедик стилкали пойабзаллар кийиш тавсия этилади.

Умр бўйи инсон учун қизмат қиладиган оёқларни қийнамаслик учун пошнали 1.8 см. дан 2.8 см. гача баланд бўлган пойабзал кийилгани мақсадга мувофиқдир. Пошнанинг бундан баланд ёки паст бўлиши саломатликка қайсидир жиҳатдан салбий таъсир кўрсатади. Меъъридан ортқ, яъни баланд пошнали оёқ кийим кийиш натижасида бора-бора суюк касалликлари юзага келиши мумкин экан.

Оёқ кийим харид қилаётганда унинг супинатори (пошна ва таглики боғлаб турувчи маҳсус металл мосламаси) борлигига эътибор қаратиш лозим. Бу эса оёқ кийимнинг қулай туришига хизмат қилади. Акс ҳолда, эгилувчан оёқ кийимлар нафақат оёққа, балки умумий саломатликка ҳам зарар.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА  
тайёрлади.

**МЕҲРНИНГ ҲАМ, БОЛАНИНГ ҲАМ БЕГОНАСИ БЎЛМАС**

бўлмаса, детдомга топширсин болани.

— Элу халқ нима дейди, исноди бизга тегади-ку?! — деди катта опа. — Ундан кўра, ана, Самигжоннинг қизи йўқ, Гуллолани ўшаларга берайлик. Эртага дастёр бўлиб қолади ўзларига.

— Учта ўғлимни уйлантирсам, учта қиз келади уйимга. Сиз нима деяпсиз, бир камим суюроқнинг қизини боқшим қолувди...

— Ҳай-хай, болам, бошқа бундай дема. Ахир у битта Маликанинг боласи эмас, укангнинг ҳам зурриёди-ку! — овозини хиёл пастлатиб деди она.

— Ойи, оёғингизнинг тагида ўралашиб шу ерда юраверсин. Ҳадемай катта бўлиб қолади.

Тўнғич қизининг бу гапига онанинг энасиси қотгандай бўлди:

— Ҳали учга тўлмади-ку, унга қарашга куч қани менда? Дастёр бўлгунча борманми-йўқманми? Қариганимда шу кунларни кўраман деб ўйламаганим. Отанг тирик бўлсаям битта гап билан ҳаммасини ҳал қиларди-қўярди...

Шу пайт ичкаридан қизалоқнинг йиғлагани эшитилди. Кўп ўтмай, ўн тўрт ёшлардаги қиз дўмбоққина қизил қўйлақчали қизалоқни кўтариб чиқиб келди.

Мунчок кўзлари ёшга тўлган қизалоқ одамлар кўплигидан ҳайрон бўлдими, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Унинг кўзида ҳайрат билан бирга қўрқув ҳам бор эди. Бу шўрпешона қизалоқни онаси икки ой аввал ташлаб кетди. Шайтон йўлдан урдими, эри бўлатуриб бошқасига илакишиб қолибди. Хиёнатни маълум бўлгач, эридан жавобини олдию, ғойиб бўлди...

Хотинининг бу ишидан ғурури синган Сардор аламини ичкиликдан олди. Маҳалла-қўй, ошна-оғайнинларнинг гоҳ ачинил, гоҳ киноа маъносидаги қарашларига дош бера олмай, хоригча кетиб қолди. Келин кетгач, қайнона набирасини қудасининг этагига солиб келди. Иддаоларини ҳам айтиб-айтиб келди баҳонада. Аммо тўрт кун ўтар-ўтмас, қўчадаги бир йўловчидан болани қувеникига киргизиб юборибди. Тўрт кунда озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб қолган қизча ушандан буён шу ерда. Ўтган вақт ичида неча марта оилавий маслаҳат қилинди. Гоҳ қизалоқни бефарзанд оилага бериб юбормоқчи бўлишди, гоҳ Меҳрибонлик уйига топшириш керак деган хулосага келишди. Аммо боланинг тақдирини ҳал бўлмаёпти. Уни парварिश қилиб, озгина меҳр кўрсатадиган одам йўқ.

Ошхонада юмушларини тугатганди



кинмас. Аёл, она бундай ишга қодир бўлмади. Унда овсини ким? Агар қайнонаси шу саволини эшитса, «шайтоннинг ургочиси» деб жавоб берарди. Малика бу уйда тўрт йил турган бўлса, эри билан бир кун ҳам тинч яшамади. Ҳали у, ҳали буни баҳона қилиб, онасиникига аразлаб кетаверди. Оғир оёқ бўлгач, инжиқлиги билан эрини ҳам, қайнонасини ҳам безор қилиб юборди. Қайнонанинг, зора, кўзи ёригач, инсофга келиб қолар, деган умиди ҳам пучга чиқди. Одамлардан келини қаҳида ёмон гапларни эшита бошлагач, оёғи қуйган товукдек типирчилаб қолди. Уғлига бу миш-мишларни эшиттирмасликка кўп уринди. Аммо келини кургур чакки қадам олишдан тийилмади. Эмизикли боласини ташлаб, ишга кириб олди-да, ҳатто кечалари ҳам уйга келмай қўйди. Унинг ёшаваларидан беизб ишлашига рози бўлган Сардор кейин минг-минг пушаймон еди. Хотини ўзи билан бирга ишлайдиган бир киши билан...

Ўша нохуш воқеа содир бўлганидан кейин икки ой ўтиб, Захро бу ҳовлига келин бўлиб тушди. Бу гапларни ҳам бошқа овсинлари ва қайсингилларидан эшитди. Унинг бу ишларга аралашшига ҳали ҳақи йўқ, Чунки янги келин. Аммо мана бу гўдакка ич-ичидан ачинади, раҳми келади. Ҳозир-ку, гапсўзларнинг мағзини чақолмайди. Аммо катта бўлса, онасининг қилмиши, отасининг ундан юз ўгирганини билса, қандай ҳолга тушаркин?

Захро қизчанинг сочларини силаркан, беихтиёр ўз болагини эслаб кетди...

Захро — уч эгизининг бири. Улар дунёга келишига атиги бир ярим ой қолганида, фожиа юз берди. Уларнинг отаси Эркинжон автохалокатга учраб, вафот этди. Санобар қорнида уч гўдаги билан қирқиллаб қолаверди. Раҳматли эри билан янги ҳовлига қўчиб чиқишганига ҳали кўп бўлмаганди. Эркинжоннинг ўз қўллари билан курган уйи ўзига ҳам, болаларига ҳам насиб этмади.



## АЖАБ ТАСОДИФЛАР

\*Телевизор орқали "Титаник" фильми намойиш этилаётган эди. Англиянинг Дунстейбл шаҳрида яшовчи Мелкислар оиласи ҳам фильми берилиб кўриб ўтирарди. "Титаник" кемаси айсберг билан тўқнашиб кетган лахзада, кутилмаганда улар ўтирган уй ларзага келди. Маълум бўлишича, худди шу лахзада уйнинг томига муз метеорити келиб урилган. Муз-метеоритнинг учли кирраси томни тешиб, уйнинг шифтида кўриниб турарди. Фалати тасодиф. Аммо муз-метеоритнинг ўзи камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

\*1920 йил америкалик адиба Энн Пэрриш эски китоблар билан савдо қилувчи букинистлар дўконидан болалигида севиб ўқиган бир китобни харид қилди. Уйига келиб, китобни варақлай бошлади. Қараса, унинг титул варағида куйидаги ёзувлар бор эди: "Энн Пэрриш, 209Н, Узбер-стрит, Колорадо Спрингс". Бу китоб айнан унинг болалиқдаги шахсий китоби экан.

\*1664 йилнинг 5 декабрида Уэльс соҳиллари яқинида йўловчилар кемаси чўкиб кетади. Биргина одамдан ташқари барча экипаж аъзолари ва йўловчилар ҳалок бўлишади. Омади келган бу шахснинг исми шарифи Хью Уильямс эди. Орадан бир асрдан кўпроқ вақт ўтиб, яъни 1785 йилнинг 5 декабрида, худди ўша жойда бошқа бир кема ҳам ҳалокатга учрайди. Яна фақат биттагина одам тирик қолади. Қарангки, унинг исми-шарифи ҳам Хью Уильямс эди. 1860 йил 5 декабрь. Худди ўша жой. Бу гал балиқчиларнинг кичик елканли кемаси денгиз тубига гарқ бўлади. Бахтли тасодиф туфайли бир болакай омон қолади... Ҳа, унинг ҳам исми-шарифи — Хью Уильямс!

\*Италиялик киноактёр Марчелло Мастрояни дўстлари уюштирган дабдабали бир тадбирда баланд овозда қадимий кўшиқлардан бирини кўйлайди. Кўшиқ "Мен бахтиёр яшаган гўша, буткул ёниб кулга айланди" деган сўзлар билан бошланар эди. Буни қарангки, актёр кўшиқнинг биринчи куплетини айтиб улгурмасдан, унга данғиллама ҳовлисида ёнғин чиққани ҳақида хабар келади.

\*1966 йил Американинг Салем шаҳри яқинидаги денгизда Рожер Лозьер исми тўрт яшар болакай чўка бошлайди. Бахтига уни Элис Блейз исми аёл кўриб қолади ва кутқариб олади. 1974 йил болакай Рожер 12 ёшга тўлганида қахрамонлик кўрсатади. У худди ўша жойда сувга чўкаётган бир эркакнинг ҳаётини сақлаб қолади. Маълум бўлишича, чўкишига бир баҳя қолган одам қачонлардир Рожерни кутқарган Элис Блейзнинг эри экан.

Наргиза СИДДИКОВА  
тайёрлади.



## СИРЛАРИ ОЧИЛДИ

— Ўтган ҳафта сизларга кўнги-роқ қилиб, "Бахтли бўлинг" рўқни орқали ўзим ҳақимда эълон бермоқчи эканимни айтгандим. Мана, керакли ҳужжатларни олиб келдим, — деди тахририятимизга кириб келган 50 ёшлардаги аёл.

У билан яқинроқ танишиш мақсадида суҳбатга чорладик.

— Исмин Малика, турмуш ўртоғим беш йил аввал вафот этганди, — дея ўзи ҳақида сўзлай бошлади у. — Икки ўғил, бир қизим бор. Ҳаммалари оилали. Ўзларидан тинишган. Мен ишга эрта кетиб, кеч қайтаман. Шундай пайтда ёлғизлигим билинади. Сизларга мурожаат қилган 55-60 ёшлар атрофидаги кишилардан бирортаси билан танишсам, дегандим. Илтимос, телефон рақамини берсангиз, гаплашиб кўра-

дим.

Малика опанинг бу гапларини эшитиб, бироз ҳайрон ҳам бўлди. Чунки аксарият ҳолларда бизга мурожаат қилган эркаклар аёлларнинг телефон рақамини сўрашар, аёллар эса бу ҳақда биз маълум қилмаганимизча кутиб туришарди. 57 ёшли Мурод ака ҳақида гапирганимизда Малика опа унинг рақамини тезроқ олиш истагидан бироз шошиб қолди. Шунда у одам олий маълумотли, оғир-босиқ, мулоҳазали аёллардан бири билан танишмоқчи бўлаётганини билдирди. Шунда опа бироз аччиқлангандек бўлиб: "Ҳа, майли, мен олий маълумотли эмасман. Бўлмаса 30-35 ёшлардаги турмушга чиқмаган қизлар борми? Шундан гапиринг!" деди.

— Тушунмадик, қизларни нима қиласиз? — дея ажабланиб сўрадик.

— Ўғлим яқинда хотини билан аж-

рашувди. Келин топилса, тезроқ уйлантириб кўярдим.

Кутилмаганда, ҳозиргина "Оилам тинч, фарзандларимдан кўнглим тўқ", деб турган аёлнинг оиласидаги сирлари аста-секин очила бошлади. Маълум бўлишича, Малика опанинг уйда нотинчлик ҳукмрон экан, яъни ўғли келини билан тез-тез жанжаллашиб тураркан. У эса ота уйига аразлаб кетган келинига аччиқ қилиб, ўғлини уйлантириб қўймоқчи бўлаётган экан. Шу асно бирор бамаъни инсон учраса, ўзи ҳам турмушга чиқмоқчи бўлиб, бизга мурожаат қилибди...

Газетамиз орқали танишиб турмуш қураётганларнинг бахтига, қувончига доимо шерикмиз. Аммо Малика опа сингари бировларнинг ҳаётига парда ортидан қарайдиганлар ҳам, афсуски, орамизда учраб туради.

## ЭНДИ КЎНДИ

Сабоҳат оиласининг кенжа фарзанди. Ўзи оғир-босиқ. Мактабни тамомлаб, институтда ўқий бошлаган кезлари зиёли хонадонга келин бўлди. Унинг хушмуомалигидан қайнота-қайнонаси ҳам хурсанд эдилар. Кўргилик экан, беш ой бирга яшаб, қувёмимиз бахтсиз тасодиф туфайли оламдан ўтди. Бу кўнгилсизликка кўниқиши анча қийин бўлди. Бир йил ўтиб, ота уйига қайтиб келди. Кейин ўз мутахассислиги бўйича ишлай бошлади. Вақт ўтиб, унга совчилар келганида: "Қайта турмуш қуриш ниятим йўқ, бу ҳақда гапирманглар", деб рози бўлмади. Биз ҳам унинг кўнглига қарадик. Ҳозир Сабоҳат 33 ёшда. Яқинда яна унга оила қуриб, фарзандли бўлиши кераклиги ҳақида гап очсам, узоқ ўйланиб қолди... Демак, ўзи рози. Имкони борича касб-кори, уй-жойи тайин, зиёли йигит бўлса тахририят билан боғланишини сўрайман.

ҲАДИЧА опа,  
Самарқанд вилояти.

## ҚАЙНСИНГЛИМ ЎКСИМАСИН

Бу хонадонга келин бўлиб келганимда қайнсинглим Дилфуза боғчага борарди. У туғилганда қайнонам вафот этган эканлар. Шу боис қайнсинглим қизимдай катта бўлди. Ўқитдик, тенгдошлари олдида ўксимасин деб, имкон қадар кўнглига қарадик. Менинг фарзандларим ҳам унга ўз синглиси, укасидек бўлиб улғайишди. Шу кунларда тўнғич қизим Зулфияга совчилар келишяпти. Аммо Дилфуза ундан катта бўлгани учун синглисини узатиб, унинг кўнглини ўкситишни истамайман. Опанинг ҳам тенги чиқса, қўшалок тўй қилиш ниятидан. Дилфуза 26 ёшда. Уй ишларига эпчил, кўнгли жуда нозик қиз. 30 ёшгача бўлган, қизимизни бахтли қила оладиган йигитлар чиқса, узатардик.

ШАҲНОЗА,  
Наманган вилояти.

## ОНАМАН-ДА, АЧИНАМАН

Ассалому алайкум, ҳурматли тахририят! Сизлар билан дардлашиш умидида бир неча бор йўлга чиқдим. Аммо истиҳола қилиб, ярим йўлдан қайтавердим.

Турмуш ўртоғим билан бир ташкилотда ишлаймиз. Икки нафар қизимизни тарбиялаб, вояга етказдик. Каттасини уч йил аввал узатдик. Ҳозир ширингина ўғилчиси бор. Кенжа қизим Комиланинг ҳам касби тайин. Чиройли, ақлли, хуллас, ибратли фазилатларга бой десам янглишмайман. Аввалига унинг ўзи эшигимиздан кириб келган совчиларни турли баҳоналар билан қайтараверди. Мана, икки йилдан бери совчилар келмай қўйди.

Она бўла туриб, қизимга қувёв излаш менга осон эмас. Аммо фарзандимнинг бахти учун шу ишга жазм этдим. Комила 30 ёшда. 40 ёшгача бўлган, пойтахтлик йигитлар бўлса, хабар берсин.

АДОЛАТ хола,  
Тошкент шаҳри.

## ДЎСТИМНИНГ БОШИ ИККИТА БЎЛСА...

Абдуқодир билан болалиқдан дўстмиз, бир маҳаллада ўсганмиз. Тўй-маъракаларда ҳаммиша елкадош бўлдик. Ҳозир нафақа ёшига етиб, набиралар қуршовида кексалик гаштини суряпмиз. Дўстимнинг аёли икки йил аввал қазо қилганди. Икки ўғли ва келинлари унинг қорига ярашяпти. Лекин...

Яқинда у гап орасида: "Ёлғизликдан чарчадим, ошна, фарзанду неваралар ҳам ўз йўлига, иссиқ жон, баъзан мазам қочса, қийналяман", деб қолди. Ҳар чоршанба кун "Оила ва жамият" газетасида мунтазам берилаётган "Бахтли бўлинг!" саҳифасини кузатиб бораман. Кеча Абдуқодирга: "Оғайни, кел, шу газетга ўзинг ҳақингда маълумот юборайлик, зора, бирор савобталаб аёл чиқиб қолса", деб маслаҳат бердим. У эса ийманиб, "Сенга ишонман, ўзинг бош-қош бўлсанг-чи", деди. Абдуқодир 60 ёшда. 55 ёшгача бўлган фарзандларидан тинган аёл учраса, илтимос, хабар беринг.

ЖАЛИЛ ака,  
Сирдарё вилояти.

## ЎТМИШНИНГ ҚОРА СОЯСИ

Ёшлигимизда кўпроқ пул топиш, мол-давлат йиғиб, кўзқўзлашга ружу қўйган эканмиз. Ҳатто уйимизда қозон қайнатишга эриниб, ҳар кун қўчадан тайёр таомларни олиб келардик. Ўша пайтларда катта-катта еб-ичиб, тилла тақинчоқлар, қимматбаҳо кийимларимиз билан мактабни юраверибмиз, лекин ўғилларга алоҳида уй-жой қилиш кераклигини хаёлимизга келтирмабмиз. Эрим бора-бора маишатга муккасидан кетди. Уйимизда кун ора зиёфат давом этарди. Ҳар ишнинг якуни бўларкан. Бирданига эримнинг ишлари юришмай қолди. Фирибгарларнинг гапига кириб, ишонманда кингир ишларга аралашганим ошкор бўлиб, мени ҳам ишдан бўшатишди. Энди қаттиқ афсусдаман. Аммо вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Беш йил муқаддам катта ўғлимни уйлантирган эдик. Ҳўз тегмасин, ҳозир ҳаёти яхши. Кенжа ўғлим Рауфни бошини иккита қилмоқ ниятида бир неча жойга совчиликка бордик. Аммо қиз томондагилар бизни суриштиришга, ўтмишимизни рўқча қилиб, ноумид қайтаришяпти. Ота-онанинг ўйламай босган қадами, ўтмишнинг қора қўланкасидек ўғил-қизлар бахтига соя солиб тураркан-да. Вақт эса ўтиб борапти. Ҳозир Рауф 29 ёшда. Бизни тушундиган, бамаъни оила билан қудачилик қилиш орузидаман.

ҲАФИЗА опа,  
Хоразм вилояти.

# ИНТЕРНЕТГА ЎРГАНИБ ҚОЛДИНГИЗМИ?

Кун сайин ривожланиб бораётган замонамизда интернет олами салмоқли ўринга эга. Интернет маълумотлар базасидан тарихий асарлардан тортиб, кечагина рўй берган янгиликларгача замон билан ҳамнафас воқиф бўлиш имкониятига эгамиз. Нафақат ўқиш ва ишда, балки барча соҳаларда интернет ҳаётимизнинг бир бўлаги бўлиб қолгани ҳеч кимга сир эмас.

Статистика маълумотларига кўра Ўзбекистон ҳудудига 2012 йили 9.1 млн. аҳоли интернет тармоғидан фойдаланиши аниқланган. Фойдаланувчиларнинг 7 фоизи 23 ёшгача бўлганлар экан. Бу кўрсаткич йилдан-йилга охиб бораётгани кузатишмоқда.

Хавотирли жиҳати, интернет тармоғи биз учун фойдали маълумотлар базаси бўлибгина қолмасдан, балки зарарли омиллар манбаига айланиб бораётгани ҳам сир эмас. Айрим тадқиқотлардан маълум бўлишича, хозирга қадар интернетга қарамлик анча оммалашган (71 фоиз офис ишчилари иш пайтида ижтимоий тармоқлардан муайян шахсий мақсадларда фойдаланишар экан).

Аёни, фарзандларимизни интернет тармоғидан фойданишларини умуман чеклаб қўйиш мушкул. Чунки интернет ўқишда ҳам, ишда ҳам жуда асқотмоқда. Айни пайтда интернетга қарамликнинг 6 хил тури мавжуд экан:

1. Веб серфинг — тармоқда узлуксиз у сайтдан бу сайтга бирон бир мақсадсиз маълумот излаб юриш;
2. Виртуал мулоқотга берилиб кетиш, виртуал танишувлар;
3. Узлуксиз интернет ўйинлари-



ни ўйнаш;

4. Моддий интернет қарамлик (казиноларда ўйнаш, ўйинларга пул сарф қилиш);

5. Фильмлар ва клипларни фақат интернет орқали кўриш;

6. Шахвоний интернет қарамлик — катталар учун мўлжалланган сайтларда узлуксиз кезиш, танишув ва мулоқот.

Шу ўринда ҳақиқат бир савол туғилади: хўш, нафақат фарзандингиз, балки ўзингизнинг ҳам интернет қарамлигига дучор бўлганлигингизни қандай билиш мумкин?

\* ўз хулқини назорат қила олмаслик;

\* компьютер олдида ўтирганда, интернет тармоғига уланганда яхши кайфият ёки эйфория ҳолати;

\* оила аъзолари ва дўстлар билан мулоқот қилишни хушламай қолиш;

\* уйқудан кечиб, тармоқда уз-

луксиз ўтириш;

\* атрофдагиларга ёлғон гапира бошлаш;

\* айбдорлик ва уялиш ҳисси, безовталиқ ёки депрессия ҳолатига тушиш;

\* физиологик ўзгаришлар, семириш ёки озиш, бел оғриғи, бош оғриғини сезиш.

Буларнинг барчаси интернет қарамлигига дучор бўлганликнинг белгисидир. Бу иллатнинг ўз вақтида олди олинмаса, кашандалик, ичкилик, наркотик қарамликлар каби интернет қарамлиги ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Интернет қарамликка дучор бўлган болалар бошқа дўстларига нисбатан кўпроқ азият чекишади. Чунки уларда кўпроқ депрессия, ўқув муассасаларида ижтимоий муаммолар ва ўқишдаги оқсашлар, ривожланишдаги ўзгаришлар ва камчиликлар, кўп касал бўлишдек жиддий муаммолар юзага кела бошлайди.

Бу каби салбий иллатлардан халос бўлиш учун, албатта, кишига ирода ва вақт керак. Интернетдан бошқа хоҳи топиш, болаларни фойдали тўғарақларга бериш, уларни маданий дам олиш жойларига олиб бориш, маънавий-маърифий ресурслар, яъни газета-журнал ва китоблардан кўпроқ фойдаланишга ўргатиш мақсадга мувофиқ.

Интернетга ўрганиб қолдингизми, бу ёмон одатдан халос бўлишни истайсизми? Унда компьютердан секингина узоқлашиб, реал ҳаётга бир назар ташланг-чи, қанча қимматли вақтингизни бекор ўтказиб юбораётган экансиз?

Махфуза ДАДАНОВА,  
руҳшунос.

## ИПОТЕКА КРЕДИТИ ВА УНИ ОЛИШ ТАРТИБИ

Кўп қаватли уйлардаги квартираларни бирламчи бозорда ипотека кредити орқали сотиб олиш тартиби тўғрисида маълумотга эга бўлишни истардик.

О.Фозилова,  
Самарқанд шаҳри.

Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби Марказий банк Бошқаруви 2008 йил 13 июндаги 14/5-сонли қарори билан тасдиқланган Низомда белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошида ишчи гуруҳи ташкил қилинган ва уларнинг тавсияларига эга бўлган фуқаро ипотека кредитини олади. Ишчи гуруҳлари томонидан уй-жойга муҳтож ва тўловга қобилиятли ёш оилаларни аниқлаш ва уларга тавсияномалар бериш юқоридаги Низомда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Дастлаб ипотека кредити олувчи томонидан банкда очилган мақсадли жамғарма омонат ҳисоб варағига кўп қаватли уйдаги квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги бошланғич бадал тўланади.

Бунинг учун ёш оила доимий иш жойига ҳамда ўз фаолияти натижасидан олинган даромадга ёки бошқа расмий даромад манбаларига эга бўлган ҳар иккаласи би-

ринчи марта расмий никоҳда бўлган, ипотека кредити беришни сўраб ариза берган санага қадар ҳар бири 30 ёшдан ошмаган бўлиши шарт.

Ипотека кредитлашни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган кредит миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваридан ошмаган миқдорда белгиланади.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобидан бериладиган ипотека кредити миқдори банкнинг ички кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда банк ва қарз олувчи ўртасида тузилдиган кредит шартномасида белгиланади.

Ёш оилаларга ипотека кредити 15 йилдан кам бўлмаган муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан банкнинг ўз маблағлари ва Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ажратилади.

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган ипотека кредитлари бўйича йиллик фозиз ставкаси йилга кўпи билан 5 фозиз миқдорда бўлади.

Дастлабки бадалнинг бир қисмини ёки барча суммасини ёш оила аъзолари (эр ёки хотин)нинг иш беришчи бўлган юридик шахслар томонидан пул ўтказиш орқали ипотека кредити олувчи ёш оила аъзоси номига очилган мақсадли жамғарма омонат ҳисоб варағига ўтказиб берилиши мумкин.

Саволга Самарқанд шаҳар 5-сон ДНИ нотариуси  
Алишер ЭШИМОВ жавоб берди.



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўпмаъража маълумотлар муаллифларга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 15:00  
Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Хамроҳон  
МУСУРМОНОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусахҳилар — Саидғам СайДАЛИМОВ,  
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

## ШАРАПОВА ИККИНЧИ ЎРИНГА КЎТАРИЛДИ

WTA (Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси) бугун янги рейтинг жадвалини тасдиқлади.

Унга кўра, қутилганидек, россиялик Мария Шарапова руминиялик Симона Халеп ҳамда чехиялик Петра Квитоваларни ортда қолдириб, иккинчи ўринга кўтарилди. Польшалик Агнешка Радванска ўз ўрнини канадалик Эжени Бушарга, даниялик Каролин Возняцки эса сербиялик Ана Ивановичга бўшатди.

Топ 10 билан танишнинг:

- 1 Серена Уильямс (АҚШ) 8645
- 2 Мария Шарапова (Россия) 6680
- 3 Симона Халеп (Руминия) 6246
- 4 Петра Квитова (Чехия) 6126
- 5 Ли На (Хитой) 5020
- 6 Эжени Бушар (Канада) 4693
- 7 Агнешка Радванска (Польша) 4650
- 8 Ана Иванович (Сербия) 4490
- 9 Каролин Возняцки (Дания) 4215
- 10 Анжелик Кербер (Германия) 3920

## РОНАЛДУ МЕССИДАН КУЧЛИМИ?

Испания терма жамоаси ва «Ньюкасл» клуби содиқ ҳимоячиси Марселино «Барселона» ҳужумчиси Лионель Месси ва «Реал» форварди Криштиану Роналдуни таққослаб, португалиялик футболчининг кучлироқ эканлигини таъкидлаб ўтган.



— Роналду жаҳон футбол тарихидаги энг мукаммал ва универсал футболчи. У гол киритишда оёқ билан ҳам, бош билан ҳам бирдек ўйнайди. Криштиану ҳисмонан ҳам жуда кучли. У доим ўсишда давом этиб, ажойиб таассуротлар қолдирмоқда. Роналду тинмасдан гол уришга ҳаракат қилиб, ўзининг статистикасини яхшиламоқда.

Шунингдек, у билан тенглаша оладиган футболчи бу Месси. Лео ҳам ажойиб футболчи. Буни тан олиш керак. Аммо мен барибир Роналдуни энг мукаммал футболчи деган бўлардим. Агар ҳозирги вақтда «Олтин тўп»га сўзсиз фақатгина Роналду муносиб, — дейди Марселино Goal интернет-порталига берган интервьюсида.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г  
— 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади —  
5920. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Кабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46